



Русиянинг Туркистонга тўғридан-тўғри экспансия-дан аввал, XVIII асрнинг бошларида, Туркистоннинг давлатчилик ҳаёти маркази Туркистоннинг турли қисмларида жойлашган эди. Давлатларнинг кўплиги (Улуг, Ўрта ва Кичик Юз, Хива, Қўқон, Бухоро ва Тошкент) Туркистоннинг бу даврда ички сиёсий бўҳрон (таназзул)ни бошидан кечириётганини кўрсатарди. Бу давлатлар ташқаридан қелиши мумкин бўлган сиёсий ёки ҳарбий босқинга қарши қўя оладиган қучқа эга эмасди. Булар мавжудлиги, майдонга қелиши ва таракқиёт йўли билан бир-бирига қамбарчас боғлиқ эдилар. Шунинг учун мустақил Туркистон давлатларининг ички тўзилишини бу асарда асосли бир суратда тадқиқ этиш зарурати бордир.

Улуг, Ўрта ва Кичик Юз

«Юз» сўзининг маъноси ҳозирга қадар аниқланган эмас. Ҳозирги пайтда «юз» (жуз) сўзи кенг маънода «тармоқ», «қўл», ёки «Қисм» тушунчаларини ифода этади, деган фикр ҳукмрон. Балки бу тўғридир. Ҳар ҳолда юз жузлар қозок-турк уруғларининг уюшмасидан бошқа бир нарса эмасдир. Оврупо илмий адабиётида «юз» (жуз) сўзи «ўрда» сўзи билан аралаш тушунтирилади («ўрда» сўзининг маъноси ҳақида қаранг: Spuler (инглизча нашр), 536-6.).

Қозок-турк юзларининг қай замонда майдонга қелганларини аниқ ифода этган тарихий маълумот ҳам мавжуд эмас. Уч Юз (жуз) (Улуг, Ўрта, Кичик), борасида фақат 1730 йилда, рус манбаларида бир қараш илгари сурилгандир.

Қозок-турк юзларининг қай замонда майдонга қелганларини аниқ ифода этган тарихий маълумот ҳам мавжуд эмас. Уч Юз (жуз) (Улуг, Ўрта, Кичик) борасида фақат 1730 йилда рус манбаларида бир қараш илгари сурилгандир (Востров, Муканов, Родоплеменной

состав, 10-6: История Казахской ССР, I, Москваб 1957, 149-6: Юзлар козок хонликлари вужудга келгунга кадар козок уругларининг иттифоки эканлигини эътироф килади.). Козоклар ўзбек бирлигидан ажралиб чиккандан сўнггина бу уч жамоани курган бўлишлари эхтимол(Hayit, Die nationalen Regierungen, 5-6.). Козок хони Болатнинг хукмронлиги замонида (1718 - 1730) Болта билан Кичик Юз хони Абулхайр орасида ихтилоф чикди. Абулхайр барча Юзларнинг хони бўлиш истагини қабул эттира олмади; Болатнинг хукмронлигини танишдан ўзини тортди ва 1718 йилда Кичик Юзнинг мустакиллигини эълон этди. Туркис-тоннинг кўчманчи халки калмок истилосидан сўнг хамма учун бирдай обрўи бўлган хон сайлаш имконига эга эмасди. Шунинг учун учала юз хонлари эркин ва ўз раъйларича ҳаракат кила оларди.

Улуг Юз Тошкент теваарагида, Авлиёота, Олмаота, Чимкент, Талас ва Еттисув ўлкаларида яшайдиган 11 уругдан(Бу уруглар куйидагилар: Дуглат (- дулат), алфан (- албан), суан, сари уйсун, сиргели, исти, ўшаки, чапрашти, жанишкили (-катагон), кангли ва жалоир, К. Востров, Муканов, 29-6; Точан, 39-6. Б. Хайит, XX юз йилликда Туркистон, 218-6, dipnot 609. Тинишпаев, Материалм, 63-саҳифасига биноан улар факат 10 уругдан иборатдир. Валихонов, Улуг Юзда уйсунлар мавкели бўлиб, дулат, албан ва суан уруглари ўзларини уйсунга дахлдор деб ҳисоблайди, деган фикрни илгари суради.) ташкил топган эди(Hiiseyn Namuk, Turk Diinyasi, Istanbul, 1932 й, 99-102-6.). Улуг Юз 1723 йилда калмоклар итоатига бўйсундирилган илк курбон бўлди.

Калмокларга қарам бўлмокдан факат 1750 - 1758 йилларда кутулди, шу билан баробар Улуг Юзнинг шарқий уруглари Хитой нуфузи остида қолди. Бу ўлканинг Туркистон (Ясса) шахрига қадар бўлган энг катта қисми 1798 йилда Тошкент хонлиги қўлига ўтди. Улуг Юз уруглари бундан кейинги даврларда ҳам ўзларининг яхлитлигини кўриқлай олдилар. XIX асрнинг бошларида Улуг Юз давлат мустакиллигини яна таъсис этди, аммо бу мустакиллик кўп чўзилмади. Кўкон хонлиги Улуг Юзнинг катта бир қисмини эгаллади. Бир ёндан руслар ҳам шимолдан Улуг Юз тупрокларига қира бошлади. Улуг Юзнинг сўнгги хони Суюк (уруг нуфузи, 55000 юрт) Қаратол дарёси водийсида рус химоясини қабул этишга мажбур бўлди. Бундан, Улуг Юзнинг тўлиқ рус хукмронлигига ўтганлиги англашилмайди, чунки бу юз Ўрдасида бОООООдан ортиқ киши яшар эди(А. Левшин, «Описание киргиз-казаческих орд» III, SPB, 1832,4-6. Тинишпаев, Материалм, 63-бетига кўра Улуг Юз доирасида 1.170.000 инсон яшамокда эди.). Рус химоясидагилардан бошқалари Кўкон хонлигига дахлдор бўлиб, ўз султонлари томонидан идора этиларди. Ўрта Юз олти уругдан кипчок, аргун, найман, кўрей, так ва кўнгирот майдонга келган бўлиб, Илгиз ва Тўргай дарёларидан Сирдарёга қадар ва Олой, Тарбағатой тоғларидан балхаш қўлига қадар чўзилган тупрокларни қамраб олганди. Ўрта Юз асосан калмокларга қарши қурашиб, ўзларини сақлашга ҳаракат қилдилар. Бу ҳусусда Абилайхон (1711-1781) бирмунча фойдали ишлар қилди. У 1781 йилда Туркистон шахрида Ўрта Юзнинг хони бўлиб сайланди. Калмокларнинг истилочилик юришларига ва русларнинг зўравонлик билан қўшиб олиш сиёсатига қарши дипломатик санъат кўрсатиб, Ўрта Юзнинг мустакиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ўрдасининг тўлалигача калмоклар ва руслар орасида жойлашганлигини ҳисобга олиб, қучлар мувозанатини тенглаштириш учун хитойлар билан ҳам муносабат ўрнатди. Абилай Уч Юз хонлари сиёсатини тартибга солувчиси ва мувофиқлаштирувчисидир. Учта юзнинг бирлашишини ташкил қилишга ҳаракат қилсада, натижага эриша олмади. Ганим қучлар ўйини ичида қолганида 1739 йилда руслар ёрдамига умид бағишлади, 1756 йилда эса бир шахзода унвони билан хитойларга тобе бўлди. У 1771 йили руслар билан бўлган муносабатларини

узди. Русия эса яширин тарзда уни ўзига огдиришга ҳаракат қилди. Абилай эски душ-манига жуда эҳтиёт бўлиб ёндашди. Сайрам, Чимкент, Сўзок каби эски маданий марказларни ўз қўл остига киритишга, Сирдарёдан Или ва Чу водийсига қадар чўзилган хавзада осойишталикни таъмин этишга муваффақ бўлди. Абилай 1781 йилда Ўрта Юзнинг бошкенти Туркистон (Ясса) шаҳрида вафот этди (Абилайхон ҳақида батафсил маълумот учун қarang: Валихонов, 1-ж, 420-30; Сарқисянц, 325-6; Ризо Нур VI ж., 14-17-6., Вяткин, 175-6; Togan, Bugunkii 176-6.; Hayit, Die nationalen Regienzen, 67 6. Абилайхоннинг характери ва фаолиятини ақс эттирган махсус турку бор. Бу ҳақда қarang, Валихонов ж. 1 (Абилай турали жир) 172-180-6.). Абилайхоннинг идорасида унинг ахлоқ бўйича маслаҳатчиси бўлган шоир Бухор Жиров Калкамонули (1693 - 1783) яшаганди. Шоир халқ орасида бирлик фикрини ташвиқ этишга, ҳонда эса миллатига нисбатан адолат туйғусини ҳосил қилишга ҳаракат қилди (Бухар жиров «Биринчи тилақ тилақ», шеърда шундай ёзади: «бирлик бўлмаса тириклик йўқ». Хоннинг халқига муносабати ҳақида шундай ёзган: «Халқини ҳурмат қилган ҳукмдор олтин қамар соҳибидир». Бухар жиров ҳақида қarang: «Қозоқ адабиёти тарихи, 1 том, (ношир Қазим Жумалиев) Олма-ота, 1961, 29-34-6; «Адеби мура жене они зерттеу», Алма-Ата, 1961, 371-6.).

Абилайнинг вориси, аммо Ўрта Юзнинг бирлигини қўриқлай олмаган ўғли Абдуллох эди. Абдуллох Русиянинг сиёсий босқинига қандай олмади, хитойлар билан ҳамкорликда иш тутди. Руслар бунга қандай олмади. Улар Абдуллохдан Қўкчатовда бир қалъа қуриш учун рухсат беришини истадилар. Абдуллох жавобда: «Руслар билан тинч-тотув яшашга ҳозирмиз, қалъа мен қалъа қурилишига қаршиман. Агар сизлар тупроғимизни зўрлик билан тортиб олишни истасангиз, бунинг жавобгарлиги сизнинг бўйингизда қолади», деди. Руслар бундан сўнг бир жанг қилдилар ва 1782 йили Абдуллох хонни асир олдилар (Е. Т. Смирнов, Султон Қенесари и Садиқа, Ташкент, 1889, 1-6.). Шу тариқа Ўрта Юз очикча ва тугаши мумкин бўлмаган бир ташқи таъовузга дуч келган бўлса қерак. Ўрта Юз султонларидан бўлган Бўқенбой 1748 йилда шуни баён қилади: «Жунгарлар бошқирд, Сибирь ва Урал қазаклари олдида итдан қочган қуёндек қочар эдик» (Левшин, Описание, 70-6.). Абдуллохнинг ҳалафи Валихон ҳам 1782 йилдан эътиборан руслар билан алоқани тўхтатишга ва ўз сиёсатини Хитой ҳамда Бухорога ҳамкор ҳолда иш олиб боришдан бошлади. Бунга жавобан Сибирнинг рус генерал волийси Глазенап Валихоннинг обрўсини туширишга интиларди. У 1812 йилда Аргун уруги оқсоқоли Бўқей султонни Омскда қабул қилиб, аргун уруги ҳамда қоракесак, тўрт йўл ости уруглари хони этиб тайинлаб, Ўрта Юзда иккинчи бир хонлик ҳосил қилишни охирига етказди. Икки хон (Валихон, Бўқейхон) рақиб дўмбирасига ўйнаб, ҳар иккаласи ҳам ҳокимиятни қўлдан бой берди. 1817 йилда Бўқейхон ва 1819 йилда Валихон вафот этди. Шу тариқа руслар Балхаш қўлининг жанубий қисмларига қадар қўлжиб бордилар. Ўрта Юз қаршилиқ қўчларининг асослари жуда қўп талафот қўрди. Уруг оқсоқоллари орасида ўзбошимчалиқ қўчая бошлади. Ҳар уруг бошлиғи ўзини мустикал деб ҳисоблай бошлади. Масалан, 1817 йилда аргун уруги оқсоқоли Жума Султон, найман уруги оқсоқоли Султон Бобо, қайин ва қипчоқ уруги оқсоқоли Султон Жонгўра Жаҳонгир ўз хонларининг салоҳиятини тан олмасликка уриндилар. XIX асрнинг бошларида Туркистон (Ясси) уруг оқсоқолларидан Тўғай ўзини Туркистоннинг (Ясси) мустикал хони деб эълон қилди. 1814 йили Қўқон хонлиги Туркистон шаҳрининг бу хонлигини фатҳ этди. «Бир хонликда қўп хонларнинг борлиги» қозоқ жамоаларида маққеларини янада мустанақлаш учун русларга имқоният берди. Улар хонга эътибор бермаган султон ва беқлар билан сулҳ

тузиш ва хадялар тортик килиш имкониятига эга бўлди(Салик Зиманов, Политический строй Казахстана конца XVIII и первой половинм XIX века. Алма-Ата, 1960,80-6.). Кичик Юз уч уругга (бой ули, алим ули, жети ули) ажраларди. Булар 1723 йилдан сўнг Урал (Ёйик дарёсининг куйи окимида (окими бўйича чап киргок, Орол кўлининг шимолидан Сирдарёнинг куйи окимига қадар бўлган ерларда Абулхайрхон бошчилигида яшашарди. Кичик Юз 1731 йилга қадар ички ва ташки муносабатларида мустикал иш юритди. Факат Идил (Волга) бўйлаб куйи силжиган калмоқлар билан бўлган жанглар Кичик Юзни иктисодий жихатдан жуда кийин ахволга тушириб қўйди. Абулхайрхон уч юзнинг хони бўлиш ниятидан воз кечмаганди. Аммо уч юзнинг муаммоларини тартибга келтириш ва уйғунлаштириш мумкин эмас эди. Козок турклари билан жунгорлар (туркий манбаларда калмок, Оврўпо адабиётларида калмук деб қайд этилади) орасида 1643 йилдан бери давом этган уруш козоклар учун чидаб бўлмас даражада исканжа шаклини олди. Чунки улар хаётларини, тупроқларини ва мол-дунёсини химоя килиш учун 1729 йилдан бери урушишга мажбур бўлдилар. Хар холда 86 йил давомида кўп инсоннинг хдётига завол бўлган, азоб, изтироб ва сон-саноксиз чорва молларининг ўлимига йўл очган бу хаёт-мамот уруши козокларни бирор чора излашга мажбур килди. Бунинг устига Кичик Юз Туркистондаги Хива, Кўкон, Бухоро каби мустикал давлатлар билан чикиша олмасди.

Русия 1580 йилдан эътиборан козок туркларининг бевосита қўшниси бўлиб колган эди. Урал (Ёйикдарёси Кичик Юз ва Русия орасида чегара вазифасини ўтарди. Жунгор дахшати козокларга Русия билан якинлашишга йўл очди. Абулхайрхон 1731 йилда рус химоясини кабул килди (яна кейинрок бу хусусда алохида тўхталамиз. Бу химоянинг бошланиш шаклининг ўзига хос хусусияти бор, чунки Абулхайр бошқарувда эркин эди. 1782 йилга қадар Русия Кичик Юз масаласини ташки ишлар вазир-лиги воситасида хал киларди. Яъни Кичик Юз бегона бир давлатга тобе эди. Факат 1854 йил 22 июнда Русия бир томонлама Орол денгизи ва Балхаш кўли шимолидаги ерларни Рус императорлигининг вилоятлари ўларок эълон килди(Тўлик маълумот учун қаранг: В. Я. Басин, о сушности, ИАН КазССР, 1968, №5, 26-36-6.). Кичик Юз 1731 йилдан 1820 йилгача Русияга тобе бир давлат бўлгани холда, ўз мавжудлигини таъминлай олди. Буларнинг сўнгида кўшиб олиш (аннекция) сиёсатидан бошка максади хам бўлмаган Ру-сиянинг тадбирлари давом этди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан